

Birgalikda ijtimoiy davlat sari!

№30

2024-yil

31-iyul, chorshanba

1918-yil

21-iyundan chiqsa boshlagan



# O'zbekiston Ovozi

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

t.me/uzbekiston\_ovozi\_gazetası | facebook.com/uzbekistonovozi | instagram.com/uzbekiston\_ovozi | www.uzbovozi.uz | info@uzbovozi.uz



✓ Сайлов — 2024



## ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ҚАТЪЙ КУРАШГА ТАЙЁР

**ҮТГАН ҲАФТАДА МАРКАЗИЙ  
САЙЛОВ КОМИССИЯСИ 2024 ЙИЛ 26  
ИЮЛДАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ДЕПУТАТЛАРИ  
ВА МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАР  
ДЕПУТАТЛАРИ САЙЛОВЛАРИ БЎЙИЧА  
САЙЛОВ КАМПАНИЯСИГА СТАРТ  
БЕРИЛГАНИНИ ВА САЙЛОВ “МЕНИНГ  
ТАНЛОВИМ – ОБОД ВАТАНИМ”  
ШИОРИ ОСТИДА ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ  
27 ОКТЯБРИДА ЎТКАЗИЛИШИ ЭЪЛОН  
ҚИЛИНДИ.**

Шу тариқа сиёсий партиялар яна бир муҳим тарихийлик касб этган сайловга тайёргарлик жаёнларини бошлаб юборди.

Шу ўринда бир жиҳатга тўхталиб ўтишимиз керак. Ҳар бир сайловнинг сиёсий мухитдан, мавжуд вазиятдан келиб чиқиб, ўзига хос жиҳатлари бўлади. Мазкур сайловнинг асосий ўзига хосликларидан бири унинг аралаш тизим асосида бўлишидадир.

Яъни, янгилангандай сайлов қонунчилигимизга кўра, тарихимизда биринчи марта депутатлар сайлови аралаш, яъни, мажоритар-пропорционал тизим асосида ўтади. Депутатларниң 75 нафари бевосита мажоритар тизим асосида, яъни, сайловчилар аниқ шахсларга овоз бериш йўли билан, қолган 75 нафари эса пропорционал тизим бўйича сиёсий партияларга берилган овозлар асосида сайданади.

27 июль куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг IX пленуми бўлиб ўтди. Унда Марказий сайлов комиссияси томонидан Олий Мажлис Қонунчиллик палатаси, Қоқаллопостон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов бўйича сайлов кампанияси бошлангани эълон қилиниши муносабати билан партиянинг ушбу сайловда иштирок этиши билан боғлик масалалар муҳока маэлумати берилди.

2



## ДИЁРА – ОЛИМПИАДА ЧЕМПИОН!

Париж олимпиадасида Ўзбекистон делегацияси илк олтин медални қўлга киритди.

Медаль сохибаси Диёра Келдиёрова Ўзбекистон тарихида ёзги олимпиада ўйинларида олтин медални қўлга киритган илк аёл спортчи сифатида тарихдан жой олди. Бундан ташқари, у Ўзбекистон дзюодоси тарихида олимпиада олтин медалини қўлга киритган илк спортчи бўлди.



## АОСИЙ СТАВКА 0,5 ФОИЗ БАНДГА ПАСАЙДИ

Марказий банк бошқарувининг навбатдаги ийғилишида МБ раиси Мамаризо Нурмуратов асосий ставкани 0,5 фоиз бандга пасайтириб, йиллик 13,5 фоиз даражасида белгилаш тўғрисида қарор қабул қилингани хақида маълумот берди ва бунинг сабаб-оқибатларини изоҳлади.

✓ Молия

## НОТЎҒРИ ЯШАШ ОҚИБАТИ

Ортиқча вазн, семизлик Ўзбекистонда ҳам муаммога айланмоқда. Реклама бозорида оздирувчи дамлама-ю хандорилардан тортиб, оздирувчи ички кийимлар-у браслетларгача дуч келишимиз мумкин. Тиббиётда эса ошқозонда ўтказиладиган жарроҳлик амалиёти тобора оммалашаётир. Айниқса, аёллар ўртасида. Нима бўляпти ўзи? Масала қанчалик жиддий?

✓ Таклиф

ҲАШАМАТ:

## МАҚТАНИШ ЭМАС, УЯЛИШ ВАҚТИ КЕЛДИ

Пахта йиғим-терими мавсумида таҳририят топшириғи асосида Янгийўл туманидаги бир хўжаликка боришига тўғри келди. Дипломатик корпус вакиллари учун ташкил қилинган тадбирни матбуотда ёритиш керак эди. Бу тадбир замиридаги мақсад нима бўлган, ҳали-ҳануз жавоб тополмайман, аммо тўрт тарафида пахтазор ястани ётган дала шийпонида меҳмонлар учун муҳайё қилинган ҳашамат, йиллар ўтибидики, кўз ўнгимдан кетмайди.



8

SAYLOV – 2024

# ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ



Ўтган ҳафтада Марказий сайлов комиссияси 2024 йил 26 июлдан Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатаси депутатлари ва маҳаллий Кенгашлар депутатлари сайловлари бўйича сайлов кампаниясига старт берилганини ва сайлов "Менинг танловим – обод Ватаним" шиори остида жорий йилнинг 27 октябринда ўтказилиши ёълон қилинди.

Шу тариқа сиёсий партиялар яна бир мухим тарихийлик касб этган сайловга тайёргарлик жараёнларини бошлаб юборди.

Шу ўринда бир жиҳатга тұхталиб ўтишимиз керак. Ҳар бир сайловнинг сиёсий мұхитдан, мавжуд вазиятдан келип чиқып, ўзига хос жиҳатлари бўлади. Мазкур сайловнинг асосий ўзига хосликларидан бири унинг аралаш тизим асосида бўлишидадир.

Яъни, янгиланган сайлов қонунчилигимизга кўра, тарихимизда биринчи марта депутатлар сайлови аралаш, яъни, мажоритар-пропорционал тизим асосида ўтади. Депутатларнинг 75 нафари бевосита мажоритар тизим асосида, яъни, сайловчилар аниқ шахсларга овоз бериш ўйли билан, қолган 75 нафари эса пропорционал тизим бўйича сиёсий партияларга берилган овозлар асосида сайланади.

27 июль куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг IX пленуми бўлиб ўтди. Унда Марказий сайлов комиссияси томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, Қорақалпоғистон Республикаси

Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов бўйича сайлов кампанияси бошлангани ёълон қилиниши муносабати билан партиянинг ушбу сайловда иштирок этиши билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

Пленумда таъкидландики, янгиланган Конституциямизга, Сайлов кодексига мувофиқ мамлакатимизда илк бор аралаш тизимда ўтадиган сайлов Халқ демократик партияси учун жамиятимиздаги долзарб ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-хуқуқий масалалар бўйича янги таклиф-ташабbuslarни илгари суриш, дастурларимизни таомиллаштириш, халқимиз хоҳиш-иродасини амалга ошириш, кўпроқ депутатлик ўринларини кўлга киритишга шароит яратади.

Шуларга асосан пленумда Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг **сайловда иштирок этиши ҳақида яқдил қарор қабул қилинди**. Унга кўра, Марказий сайлов комиссиясига жорий йилги парламент кўйи палатаси ва халқ депутатлари Кенгашларига сайлов кампаниясида партиянинг иштирок этиши бўйича Сайлов кодексига мувофиқ ариза топширилиши қайд этилди.

Пленумда сайлов кампанияси даврида барча ташкилий-хуқуқий ишларни қатъий режа асосида, масъулият билан ташкил этиш мақсадида партия Марказий сайлов штабини тузиш ҳақида қарор ҳам қабул қилинди. Штабнинг вазифа ва ваколатлари белгиланди.

Сайлов жараёнларида самарали фаолият олиб бориш учун Қорақалпоғистон республика, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туман ва шаҳар партия кенгашларида 5 августга қадар сайлов штабларини тузиш ва уларнинг самарали фаолият юритишини ташкил қилиш зарур.

Шу мuddат ичida, сайлов конунчилиги ва жарёнларини яхши биладиган, аввалги сайловларда иштирок этиб тажрибага эга бўлган, партиянинг сайловларда ғалаба қозониши учун куч ва имкониятларини аямайдиган партия фаоллари, фахрийлари ва эксперторларни сайлов штаблари таркибига киритиш ҳамда уларнинг фаолиятини ташкил қилишга кўмак кўрсатиш белгиланди.

Сайлов кодексининг 34, 69-моддаларига мувофиқ, сайлов комиссиясининг мажлисларида иштирок этиш ҳамда партия манфаатларини ифодалаш бўйича партия ваколатли вакили белгиланди.

Кампанияда партиянинг фаол ва муносиб иштирокини таъминлаш мақсадида асосий тадбирларнинг календарь режаси тасдиқланди.

Партия Марказий Кенгашида бевосита сайлов жараёнларига алоқадор бўлмаган масалаларда ҳам пленумлар бўлиб туради. Лекин бевосита сайловга алоқадор пленумларда сиз иштирокчилар нигоҳида бошқача рухни, ши joatni kўrasiz. Ушбу пленумда мен ўша нигоҳларни кўриб сергак тордим. Улар рақобатга шайланган, ғалабага чанқоқ нигоҳлардир.

**Пленумда таъкидландики, янгиланган Конституциямизга, Сайлов кодексига мувофиқ мамлакатимизда илк бор аралаш тизимда ўтадиган сайлов Халқ демократик партияси учун жамиятимиздаги долзарб ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-хуқуқий масалалар бўйича янги таклиф-ташабbuslarни илгари суриш, дастурларни таомиллаштириш, халқимиз хоҳиш-иродасини билиш, кўпроқ депутатлик ўринларини кўлга киритишга шароит яратади.**

**Пленумда кўриб чиқилган масалалар ва қабул қилинган қарорлар ҳақида Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши раиси Улуғбек Иноятов махсус баёнот берди:**

**— Сайлов бизнинг партиямиз учун кенг имконият ва албатта, катта масъулиятдир. Сайлов жамиятимиздаги долзарб ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-хуқуқий масалалар бўйича янги таклиф-ташабbuslarни илгари суриш, дастурларимизни таомиллаштириш, халқимиз хоҳиш-иродасини амалга ошириш, кўпроқ депутатлик ўринларини қўлга киритишга шароит яратади.**

**Шуларга асосан 2024 йил 27 октябрь куни бўлиб ўтиши белгиланган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисингин Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашлар депутатлари сайловида Ўзбекистон Халқ демократик партияси Сайлов кодексига мувофиқ Марказий сайлов комиссиясига ариза топширишини маълум қилади.**

**Сайловларда фаолиятимизни ҳар жиҳатдан самарали ташкил этиш мақсадида партия Марказий сайлов штаби таркиби шакллантирилди ҳамда сайлов штабларини тузиш ва уларнинг самарали фаолият юритишини ташкил қилиш бўйича ҳам чоралар кўрамиз.**

**Сайловларда партиянинг фаол иштирокини таъминлаш мақсадида асосий тадбирларнинг календарь режаси ҳам ишлаб чиқилди.**

**Биз бу сайловга жиддий ва тизимли тайёргарлик кўрдик. Сайловда ғалаба қозониш, парламентда кўпроқ ўринга эга бўлиш, маҳаллий Кенгашлардаги депутатларнинг устунлигига эришиш учун астойдил ҳаракат қиласиз.**

**Аввалимбор, сайлов жараёнларида халқимизни бугунги кунда қизиқтираётган долзарб ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-хуқуқий, маданий-маърифий масалалардан келип чиқиб, ўз дастуримизни шакллантирамиз. Бунинг учун мамлакатимизнинг барча ҳудудларида партиянист етакчилари, фаоллар ва кўп минг сонли хайриҳоҳлар билан учрашувлар ўтказиб, таклифлар оламиз.**

**Ўзбекистон Халқ демократик партияси халқимизнинг ишончини қозониш, юқори натижаларга эришиш учун курашишини маълум қиласиз.**

# ҚАТЪИЙ КУРАШГА ТАЙЁР



**Халилла ЕШИМБЕТОВ,**  
Ўзбекистон ХДП  
Қорабалоғистон  
Республика кенгаши раиси:

– Конституциямизга мувофиқ, сайловнинг асосий субъекти сиёсий партиялар хисобланади. Сайлов партиялар учун, албатта, катта имконият. Бу йил биринчи марта парламент ва маҳаллий Кенгашларга сайловлар аралаш тизимда ўтади. Мамлакатимиз сиёсий майдонида ўзининг ўрни, мавкеига эга, барча сайловларда фаол қатнашиб келаётган партиямиз нуфузига муносиб иштирокни таъминлаш мухим. Барча тузилмаларимизнинг имкониятидан тўғри фойдалансан, кутилган натижага эришамиз, деб ишонаман.

Бу жараёнларда партияниң асосий кучи аъзоларимиз, бошлангич ташкотларимиз хисобланади. Қорабалоғистонлик партиядошларимиз номидан шуни айтишим керакки, сайлов жараёнларининг барча босқичларида фаол иштирок этамиз. Бунда биз тажрибага, аъзоларимиз ва фойдиларимизнинг салоҳиятимизга таянамиз.



**Рустам КАЛАНОВ,**  
Олий Мажлис Сенати аъзоси,  
Ўзбекистон ХДП фахрийси:

– Халқ демократик партияси ўзининг чукур илдиз отган анъаналярига эга, халқ ҳимоясига отланган партиядир. Ушбу партия катта-катта ишларни амалга оширган, яхши-яхши тажрибага эга. Буғун мана шу йигилишда ўтирган инсонларнинг юзидан нур ёғилиб турибди. Чунки буларнинг ҳаммаси халқ дарди билан, эллининг дуосини олган инсонлар. Бу баландпарвоз гап эмас. Халқ билан ишлаш ҳам, уларнинг кўнглини олиш ҳам осон эмас. Керак бўлса, ҳар бир хонадончага кириб бориб, “аралаш” сайлов тизими нима эканини тушунтириб беришимиш шарт.

Юртимиз иқтисодиёти кундан-кунга кўтирилиб бормоқда. Лекин шу билан бирга, табакаланиш ҳам кучайиб бораверади. Ана шундай паллада биз ўз электоратимизни ёлғизлатиб кўймасдан, ёнида бўлишимиз керак. Бекорга Конституцияда Ўзбекистон ижтимоий давлат, деб белгиланмаганини англатишимиз лозим. Биз ҳалқимиз учун, ҳақиқий ижтимоий сиёсат учун катта марраларга эришишимиз шарт. Бу партиянимиз учун ҳаёт-мамот масаласи. Эртага сайловчилар олдида, электоратимиз олдида юзимиз ёруғ бўлиши учун ҳаммамиз фидокорона меҳнат қилишимиз керак.



**» МАМЛАКАТИМИЗ СИЁСИЙ МАЙДОНИДА ЎЗИНинг ўРНИ, МАВҚЕИГА ЭГА, БАРЧА САЙЛОВЛАРДА ФАОЛ ҚАТНАШИБ КЕЛАЁТГАН ПАРТИЯМИЗ НУФУЗИГА МУНОСИБ ИШТИРОКНИ ТАЪМИНЛАШ МУҲИМ. БАРЧА ТУЗИЛМАЛАРИМИЗНИНГ ИМКОНИЯТИДАН ТҮҒРИ ФОЙДАЛАНСАК, КУТИЛГАН НАТИЖАГА ЭРИШАМИЗ, ДЕБ ИШОНАМАН.**



**Эльмира БОСИТХОНОВА,**  
Соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари,  
ЎзХДП Марказий Кенгаши аъзоси:

– Дунё сиёсий ҳаётида сайловлар жуда мухим воқеа хисобланади. Умуман, сиёсий партияларнинг фаолиятида сайловлар табиий жараён саналади. Мен баъзи масалаларга тўхталиб ўтмоқчиман.

Биринчидан, биз ўтган сайловда йўл қўйган хатоларимиз, бой берган имкониятларимизни чукур таҳлил қилишимиз керак.

Иккинчидан, партия раисидан тортиб, то энг қуий тизимдаги масъулларимизгача ҳаммамиз сайлов жаҳаёнларига профессионал ёндашибимиз керак. Бунда, албатта, ҳар бир хатти-харакатимиз сиёсий технологияларга асосланган, сайлов қонунчилигига мувофиқ бўлиши керак.

Хозирги ёшлигарга катта-катта текстлар билан, узоқ давом этадиган маърузалар билан кўзланган натижага эришиб бўлмайди. Уларга тарғиботни қисқа, аниқ ва жозибадор қилиб олиб боришимиш керак бўлади. Ёшлигар ўзи танлаган номзодни ҳимоя қила оладиган, ўзи ишонган ғояни бошқаларга сингдира оладиган бўлиши мухим.

Сайлов демократик жаҳаён ва унда халқ иштирок этади. Бизнинг партиямиз номида шуларнинг ҳаммаси мужассам – Халқ демократик партияси. Шундай мухим паллада бизга катта галаба керак.



**Малика ҚОДИРХОНОВА,**  
Олий Мажлис Сенати аъзоси:

– Йиғилишда қатнашаётгандар бу йилги сайлов ўзгача руҳда ўтишини таъкидлашди. Мен бу фикрга кўшиламан. Сабаби, сиёсий фаоллик ўсиб бормоқда, сайловга муносабат ҳам анча ўзгарган.

Бу сайловда баъзи жихатларга эътибор беришимиз керак, деб ўйлайман. Хусусан, аёлларнинг иштирокига алоҳида тўхталиб ўтмоқчиман. Ўзбекистон аҳолисининг деярли ярмини аёллар ташкил қиласди. Буғунги кунда халқаро майдонда қарорлар қабул қилишда аёлларнинг иштироки сезиларли даражада ўсиб бормоқда.

Халқ демократик партияси кўйидан тортиб, энг юкоригача бўлган ҳар бир бўғинда аёлларнинг қамрови бўйича республикамизда етакчилардан хисобланади. БМТнинг “Сиёсатдаги аёллар” рейтингидага Ўзбекистон ТОП-50 га кираган. Ишончим комилки, бу йилги сайлов натижаларидан кейин Ўзбекистон ТОП-10 га киради. Бу йилги сайловлардан бошлаб аёлларнинг улуши 40 фоиздан кам бўлмаслиги Конституциямизда белгилаб қўйилган.

Бизнинг партиямиздан бутун Ўзбекистон, дунё таниган, хурмат қилган аёл сиёсатчилар етишиб чиқкан. Бу анъана давом этади ва биз ғолиблар сафида бўламиш, деб ишонаман.



**Шоҳида ШОВҚИЕВА,**  
Ёшлар парламенти аъзоси,  
Ўзбекистон ХДП фаоли:

– Олий Мажлис Конунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашлар депутатлари сайловида Халқ демократик партиясининг иштирок этишига оид масалаларни мухокамасига гувоҳ бўлиб турибман. Сайлов барча партиялар қаторида бизнинг партиямиз учун ҳам сиёсий майдонда қандай кучга эта эканимизни намоён этишда мухим мезон бўлиб хизмат қиласди.

Биз ёшлигар жараённинг буғунги кунидан то сайлов якунига қадар биргаликда фаол иштирок этишига ҳамда сафимизда бўлиши истаган ёшлигарга устоzlаримизнинг қўмак ва маслаҳатларини етказишига, елкама-елка туришга вайзда берамиз. Бунинг учун кўпимиздан келган барча имкониятимизни сафарбар этамиз.



ОРИТЧА ВАЗН, СЕМИЗЛИК ЎЗБЕКИСТОНДА ҲАМ МУАММОГА АЙЛАНМОҚДА. РЕКЛАМА БОЗОРИДА ОЗДИРУВЧИ ДАМЛАМА-Ю ҲАПДОРИЛАРДАН ТОРТИБ, ОЗДИРУВЧИ ИЧКИ КИЙИМЛАР-У БРАСЛЕТЛАРГАЧА ДУЧ КЕЛИШИМИЗ МУМКИН. ТИББИЁТДА ЭСА ОШҚОЗОНДА ЎТКАЗИЛАДИГАН ЖАРРОХЛИК АМАЛИЁТИ ТОБОРА ОММАЛАШАЁТИР. АЙНИҚСА, АЁЛЛАР ЎРТАСИДА. НИМА БЎЛЯПТИ ЎЗИ? МАСАЛА ҚАНЧАЛИК ЖИДДИЙ?

# НОТҮФРИ ЯШАШ ОҚИБАТИ

ОРТИҚЧА ВАЗНДАН  
ЖАРРОХЛИК ЁРДАМИДА  
ХАЛОС БЎЛИШ ТҮҒРИМИ?



**Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази бўлим мудири, тиббиёт фанлари номзоди, олий тоифали жарроҳ Сардор СУЛТАНОВ билан мухбиришимиз айни мавзуда сұхбатлаши.**

**Амалиётини ўтказиш ҳам оммалашпти. Бу каби жарроҳлик амалиётлари қаҷон ва кимларга тавсия этилади? Бунинг учун маълум бир тиббий текширулардан ўтиш шарт бўлса керак, тўғрими?**

— Сиз айтган ошқозонни кичрайтириш амалиёти тиббиётда "бариатрия", деб аталади. Аслида семизликни комплекс даволашнинг эндоскопик ва жарроҳлик даволаш усуслари мавжуд. Жарроҳлик амалиётларига ТВИ 35-40 кг/м<sup>2</sup> ва ундан юқори кўрсаткичлари мавжудлигига, комплекс даволаш самарасиз бўлганида, қанди диабет касаллиги 2 типида, сурункали касалликлар семизлик фонида авж оләтган пайта, бэззи жарроҳлик амалиётларидан оддин (семизлик ёндош касаллик бўлганида) амалиётнинг биринчи босқичи сифатида кўрсатма хисобланади.

Албатта, бирор бир жарроҳлик амалиёти бемор тўлиқ текшируларидан кейингина амалга оширилади. Ошқозон-ичак яра касалликлари авж босқичида, ўткир миокард инфаркти, руҳий касалликлар, хомиладорлии ва бирор касалникнинг ўткир ҳолати ва авж олган босқичларида бариатрик жарроҳлик амалиётiga руҳсат берилмайди.

**— Айтинг-чи, ошқозонда ўтказиладиган жарроҳлик амалиётлари қанчалик хавфсиз ва самарали? Умуман, натижалари қанақа бўляпти?**

— Бариатрик амалиётда тўғри кўрсатма, тўғри танланган ва сифатли бажарилган жарроҳлик амалиётiga руҳсат берилмайди.

лиёти ўз натижасини беради. Ўрганишлардан маълумки, амалиётдан кейнинг 1-чи ойда беморлар ойига 25 кг гача вазн йўқотади ва бундай суръатда озиш тахминан олий оча давом этади. Кейинчалик 1,5-2 йил давомида секин озиш кузатилади ва тўхтайди. Беморлар амалиётдан кейнинг ушбу даврларда, албатта, шифокор нозоратида бўлишлари талаб этилади. Амалиёт ўтказган bemorларнинг 90-95 фоизи турмуш тарзи яхшиланиб, соглом хаётга қайтади, яъни олдига кўйган мақсадига еришади.

Шу ўринда айтиш лозим, мамлакатимизда давлат ва хусусий клиникалар сони кўпайиб, ҳатто



туманлардаги тиббий муассасалар ҳам жарроҳлик амалиётларини лапароскопик усуслада бажаришга имкон берадиган ускуналар билан таъминланмоқда. Бу эса ўз ўрнида турли жарроҳлик амалиётлари сони ошишига олиб келяпти. Аф-

уски, жарроҳларимиз орасида ўз манбаатини инсон ҳаёти ва саломатлигидан устун кўяётгандар ҳам учраб туриши сир эмас. Улар зарур тиббий кўрсатмаларга амал қилмаган ҳолда, айниқса, янада чиройли комат истагида юрган ёш қизлар ва аёлларни бариатрик жарроҳлик амалиётига йўналтираётган ҳолатлар ҳам бор. Натижада баъзан бундай амалиётлар турли асоратлар билан ачинарли якун топиши ҳам мумкин.

**— Асоратлар ҳақида сўз очдингиз. Бариатрик жарроҳлик амалиётининг салбий асоратлари ҳам борми?**

— Барча жарроҳлик амалиёти сингари бариатрик амалиёт ҳам асоратлардан холи эмас. Булар каторида корин бўшлиғига йирингли йиғилмалар шаклланиши, ички қон кетиш, шакллантирилган анатомозлар этишмовчилиги, ичак тутилиши, чурралар, қон томирларда тромб пайдо бўлиши, темир танқислиги билан боғлиқ бўлган камқонлик, меъеридан ортиқ озиб кетиш, овқат ҳазм бўлишида айрим бузилишларни келтириш мумкин. Айрим асоратлар ўтказилган амалиёт билан бевосита боғлиқ бўлса, қолгандар асосий ёки ёндош касаллик ва унинг асоратлари, бемор томо-

яна меъеридан ошиб кетиши мумкини?

— Бариатрик жарроҳлик амалиётидан кейин беморларнинг ўртacha 90 фоизи 1,5-2 йил мобайнida 50 фоизгача ортиқча тана вазнидан халос бўлади. Ўтказилган амалиёт турига боғлиқ бўлган ҳолда натижалар турлича бўлиши мумкин ва тана вазни йўқотиши ўртacha 30-80 фоизни ташкил этади. Бемор қанча вазн йўқотганди ҳақида жарроҳлик амалиётидан 18-24 ой ўтгандан кейин хулоса қилиш мумкин. Манбаларга кўра, жарроҳлик амалиётидан кейин 30 фоиз беморларда 1-2 йил давомида озиш кузатилиб, кейин янада қайта тана вазни ортиши билан боғлиқ ҳолатлар ҳам мавжуд. Бунга амалиёт тури нотўғри танлангани, мавжуд ёндош касаллар, шифокор тавсияларига тўлиқ риоя этмаслиқ, қабул қилинаётган баъзи дори воситаларни сабаб сифатида келтириш мумкин.

**— Жарроҳлик амалиётининг ўртacha нархи қанча?**

— Россияда ўртacha 6-8 минг, Туркияда 8-10 минг АҚШ доллари атрофида, Европа давлатларida ундан юқори. Ўзбекистонда эса амалиётнинг тури ва бажариш усусларига қараб ўртacha 35-50 млн сўмни ташкил этади.

**— Муаммодан қисқа муддатда халос бўлиш маъқул кўрилмоқда. Мана шу истакда жарроҳлик амалиётининг ўтказиш учун мурожаат қиладиган беморларга нима деган бўлардингиз?**

— Ҳар бир жарроҳлик амалиётининг яхши-ёмон ва хавфли тоғонлари бўлади. Юртодашларимизга мутахассис сифатида маслаҳатим – тўғри оқатланиш, спорт билан шугулланиш, очик ҳавода мунтазам сайр килиш, тана вазнини назорат қилиб бориши ва ўз соғлигига бе-фарқ бўлмасдан, вақти-вақти билан шифокор кўригидан ўтиб туришини ўз ҳаётларининг дастуриламалига айлантирисинлар. Соғлом ҳаёт, аввало, ўз кўллимиздадир.

**“Ўзбекистон овози” мухбири  
Бардамбек САҶДУЛЛАЕВ**  
сұхбатлашди.



ВОДИЙЛИК ЭЛАРО МАШХУР  
ТУРСУНАЛИ ПОЛВОН БИЛАН ИЛК БОР  
ПОЙТАХТИМИЗДА АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ  
НОМИДАГИ БОҒНИНГ ОЧИЛИШ  
МАРОСИМИДА УЧРАШГАНМАН. ЎШАНДА  
У ФАРГОНАЧА ЛУТФ БИЛАН ТАДБИР  
ИШТИРОКЧИЛАРИ КАЙФИЯТИНИ КЎТАРИБ,  
ҲАЗИЛ-МУТОЙИБА БИЛАН ҲАММАГА  
КУЛГИ УЛАШГАН ЭДИ.

## Мард ва дилкаш инсон эди

Қиёфаси-ю кийинишида, тагдор сўзларида миллийлик уфуриб турган бу инсонни кейин ҳам Тошкентда ўтказилган кўплаб тадбирларда кўрдим. Ҳамиша самимий, атрофдагиларга ўзгача меҳр билан бўқарди. Балки, кўпчилик билмас, Турсунали полвон Фарғона вилоятидаги ҳайвонот боғи ташаббускори, фахрий эколог бўлган. 2016 йилда Фарғона ва Самарқанд каби вилоятларда ҳайвонот боғлари ташкил қилиш бўйича ҳукумат қарори чиққан. Шаҳар йилнинг ўзида боғ фойдаланишга топширилган. Ана шу ҳайвонот боғига Турсунали Мамажоновни раҳбар қилиб тайинлашган. У кўп ҳайрли ишларга бош-кosh бўлди. 4 гектарли боғ кенгайтирилиб, ноён ҳайвонлар келтирилди. Натижада боққа келувчилар сони ортиб борди. Бундан ташқари, Турсунали полвон

ўзининг иккита кўчма ҳайвонот боғини ҳам ташкил қиласган.

Машҳур дорбоз узоқ йиллар Шоҳимардонда томошалар кўрсатди. Маълум вақт бу томошалар бутунлай тўхтаб қолган пайтлар ҳам бўлди. “Бутун дунё миллийлигимизни тан олиб турганида, ўзимиз тан олмасак, повонликни, дорбозликни, ҳунармандчиликни юқорига кўтармасак, уят бўлади”, – деганди у суҳбатлардан бирида. Шогирдлари ҳам кўп эди. Ҳатто Қозоғистон, Кирғизистон ва Тожикистонда ҳам шогирдлари бор.

Яна бир муҳим жиҳат. Турсунали полвон Ўзбекистондаги партиялар ичидаги Халқ демократик партиясини ғоялари ҳалқчиллиги учун ҳам қадрларди. Халқ демократик партияси ушотирган тадбирларда фаол иштирок этиб, электорат манфаатларига хизмат қиладиган ташабbuslar bilan чиқарdi.

У ҳамиша оддий инсон бўлишни, эл ичидаги юришини афзал билди. Самимийликни сўйди. Шу сабабдан ҳам атрофдагиларнинг иззат-хурматига сазовор бўлди. Унинг хизматлари муносиб рагбатлантирилди. Турсунали Мамажонов Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими унвони билан тақдирланди. «Водил чинори» халқ дорбозлик жамоасига бадиий раҳбарик қилди.

Афсуски, 75 ёшни қаршилаган машҳур полвон ва дорбоз Турсунали Мамажонов бугун орамизда йўқ. Дилкаш инсон, элимизнинг суюкли фарзандининг охирати обод бўлсин, деймиз. Оиласига, яқинларига ҳамдардлик билдирамиз.

Бу инсон яратган мактаб авлодлар оша барҳаётликда давом этишига ишонамиз.

Равшан ШОДИЕВ.



TAKLIF



## ҲАШАМАТ:

# МАҚТАНИШ ЭМАС, УЯЛИШ ВАКТИ КЕЛДИ



### ҚАНДАЙ ТАКЛИФ БОР?

**Сирохиддин ШОНАЗАРОВ,  
Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар  
Кенгаши раис ўринбосари:**

— Дабдабозлил, истрофарчилик ва ҳашаматга муккасидан кетиш кучайи бораёттанини айтиб ўтиш ўринли. Тўй-ҳашаматларимизни қаранг! Ким ўзарга ўйлаб топилган, бор-йўғи пулни сувга оқизиш билан баробар бўлган одатларни санайверсак, адоги кўринмайди. Орзу-ҳавас, дейдилар. Хўл, инсоннинг орзу-ҳавас қилиш ва уни рўёба чиқариш хуқуқини ѡеч ким чеклашга ҳаққи йўқ. Бирор дўпниши бошдан олиб ўйлаб кўрадиган замондамиз. Ўша минг кишига ош берадиган тўйдорнинг маҳалласида эҳтиёжмандлар йўқ, деб ўйлайсизми? Ойлаб қозони гўшт кўрмайдиган, бор пулини касал боласи учун сарфлаб, қарз-ҳавола қилиб, фарзанд додига куйиб юрган қанча одамлар бор.

Жойларда аҳоли билан учрашувларда шулар ҳақида сўзласак, бэзсан улар томонидан ҳам эътироzlи фикрларни эштамиз. Айниқса, айрим давлат ташкилотлари ва мансабдор шахсларнинг бюджет маблагини ҳашаматли максадларга сарфлаётганидан норозиликларини билдиришади.

Хозир аҳборот олиш ва тарқатиш имконияти шу кадар кенгайланки, таъбир жоиз бўлса, одамларимиз тоши остида нима борлигидан хабар топяптилар. Демак, ҳар бир амал эгаси, бошқарув органи масъули ва ходимлари босаётган қадами, қилаётган илиши жамоатчилик назорати остида эканини, оддий одамлар уларга қараб давлат накадар

**ПАХТА ЙИФИМ-ТЕРИМИ МАВСУМИДА ТАҲРИРИЯТ ТОПШИРИГИ АСОСИДА ЯНГИЙЎЛ ТУМАНИДАГИ БИР ҲЎЖАЛИККА БОРИШГА ТЎГРИ КЕЛДИ. ДИПЛОМАТИК КОРПУС ВАКИЛЛАРИ УЧУН ТАШКИЛ ҚИЛИНГАН ТАДБИРНИ МАТБУОТДА ЁРИТИШ КЕРАК ЭДИ. БУ ТАДБИР ЗАМИРИДАГИ МАҚСАД НИМА БЎЛГАН, ҲАЛИ-ҲАNUZ ЖАВОБ ТОПОЛМАЙМАН, АММО ТЎРТ ТАРАФИДА ПАХТАЗОР ЯСТАНИБ ЁТГАН ДАЛА ШИЙПОНИДА МЕҲМОНЛАР УЧУН МУҲАЙЁ ҚИЛИНГАН ҲАШАМАТ, ЙИЛЛАР ЎТИБДИКИ, КЎЗ ЎНГИМДАН КЕТМАЙДИ.**

**КЕТИ УЗИЛМАЙ ТОРТИЛАЁТГАН ТАНСИҚ ТАОМЛАР, ДАСТУРХОНА ҚУШ СУТИДАН БЎЛАК ҲАММА НОЗ-НЕЪМАТЛАРНИНГ ТЎКИН-СОЧИНЛИГИ, БИР ТАРАФДА ЯНГРАБ ТУРГАН КУЙ-ҚУШИҚЛАР... ОЧИГИНИ АЙТСАМ, ЎША ЛАҲЗАЛАРДА ҚАЛБИМДАГИ УЯЛИШ ВА ҒАЗАБ ҲИССИГА ЎҲШАШ ҶОРИШИҚ НИМАДАНДИР БОШИМНИ КЎТАРА ОЛМАГАНМАН. ҲОЗИР ҲАМ АНА ШУ ОЛИС ХОТИРА ЁДГА ТУШСА, ЮЗИМ ОЛОВДАЙ ЁНАДИ.**

**ЎША ВОҚЕАГА 20 ЙИЛДАН ОШДИ. БУГУН ДАВР ЎЗГАРДИ. ОДАМЛАРНИНГ, ЖАМИЯТНИНГ ҚАРАШЛАРИ ЎСДИ, ГЛОБАЛ АҲБОРОТ ЗАМОНИДА ҲАЁТИЙ МЕЗОНЛАРИМИЗ, ИНТИЛИШ ВА МУДДАОРАМИЗ ИЛГОРЛАШДИ. АММО, НАЗАРИМИЗДА, БИР ЖИҲАТИМИЗ ЎЗГАРГАНИ ЙЎҚ: ҲАШАМАТ ВА ДАБДАБАГА ЎЧЛИГИМИЗ.**

**ҲАМ ДИНИЙ, ҲАМ УМУМИСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАР ҚАРИЧИ БИЛАН ЎЛЧАГАНДА ИЖТИМОИЙ ИЛЛАТ ҲИСОБЛАНГАН БУ ТУТУМ БИРГИНА ЯШАШ ТАРЗИМИЗ-У ТЎЙ-ҲАШАМЛАРИМИЗДА БЎЙ КЎРСАТАЁТГАНИ ЙЎҚ. ҲАШАМАТ, БОШҚАЧА АЙТГАНДА, ҲАДДАН ОИШИ АЙРИМ ДАВЛАТ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА МАНСАБДОР ШАХСЛАР ФАОЛИЯТИДА ҲАМ УЧРАБ ТУРГАНИНИ ЯШИРИШГА НАХОЖАТ?! ЭНГ ТААССУФЛИСИ АСЛИДА ШУНДА.**

гиз, марҳамат, менюдан танлаб, пулини тўлаб, ейишингиз мумкин", дейишиб ташкилотчилар. Кун ҳаддан зиёд дим, ишдан кейин музедек пиво ичмоқчилигини билдирган сафдошимизга мезбонлардан бирор таржимон оркали ўтирияпти: "Пиво ичмоқчимисиз, кўчанинг у бетида бар бор..."

Финландияда бир муддат яшаб келган ҳамкоримиз эса финлар ҳашамат ва дабдабани ҳуш кўрмасликларини айтади. Таъкидлашича, бу мамлакат амалдорлари бюджет (ҳалқ пули)ни кўкка совуришини биринчи галда ўз фарзандларига нисбатан хиёнат, деб биларканлар.

Мутараққий давлатларда барча жабхада қонунларнинг мукаммал ишлаш механизми, бюджет маблағларининг тийинтийинигача мақсадли ва аник манзилли сарф этилиши, ҳашамат-у дабдабадан тийилиши, амалдорларнинг ҳалқ олидида ҳисобдорлиги – моҳиятнан караганда улар ривожланиш чўққисига шу йўлдан чиқиб бормадими?!

### ҲАШАМАТНИНГ ЗИДДИ ЗАҲРИ

Ҳозирги дунё миқёсида иқтисодий бўхронлар, таҳклика таҳдидлар ва "оммавий трансформация"лар шароитида турли даражадаги бошқарув ташкилотлари бир сўмни ҳам ортиқча сарфламаслиги талаб этилмоқда.

Айтайлик, неча юз миллион сўмни ҳоким учун сўнгги русумдаги ҳашаматли автоуловга эмас, туманинг чекка қишлоғидаги мактаб ўкувчилари учун замонавий ҳожатхона куриб беришга харжлаш кўпроқ ҳаётий зарурат эмасми?!

Юртимизда санитария-гигиена ҳолати, ичимлик суви таъминоти қониқарсиз ҳолдаги мактаблар оз эмас. Президент ҳузуридаги Стратегик ислоҳотлар агентлигининг натижаларга эришиш офиси томонидан ўтказилган таҳлил 20 мингга яқин мактабларнинг 87 фоизида марказий канализация мавжуд эмаслиги, 53 фоизида эса сув таъминоти муммомлигини кўрсатди.

Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўимитаси маълумотларига кўра, 2023 йилда мамлакатимизда вирусли гепатит А билан касалланиш 2022 фиолга нисбатан иккى бараварга ошган, айни пайдада касалланганлик ҳолатларининг 39 фоизи мактаб ёшидаги болаларда аниқланган. Бу касаллик сифатсиз сув таъминоти, ёмон санитария ва гигиена қоидаларига амал қиласли билан чамбарчас боғлиқ.

Шу икки фактни билган масъул, раҳбар кайси виждан билан ҳашаматга ружу кўйиши мумкин? Виждан етишмайдиган раҳбар фидойи, адолатпарвар бўлиши мумкини?..

Мутасаддининг мол-дунёга, ҳашаматга ўчилиги шахсий қусургина эмас, жиддий профессионал камчилик, хулқ-атворнинг, компетенциянинг етишмаслиги ҳамдир. Бундай камчиликларга қарши аниқроқ ва кескинроқ чорага эҳтиёж ортмоқда.

**КУЧЛИ ИЖТИМОИЙ СИЁСАТ  
ТАРАФДОРИ БЎЛГАН  
ПАРТИЯМИЗ ФАОЛЛАРИ  
ДАВЛАТ ТАШКИЛОТЛАРИ  
ВА МАНСАБДОР ШАХСЛАР  
ФАОЛИЯТИДА ҲАШАМАТНИ  
ЧЕКЛАШ ВА УНИ ОДОБ-  
АХЛОҚ КОДЕКСИНИ БУЗИШ  
СИФАТИДА ИНТИЗОМИЙ  
ЖАВОБГАРЛИККА ТОРТИШ  
АМАЛИЁТИНИ ЙЎЛГА ҚЎЙИШ  
ФОЯСИНИ ИЛГАРИ СУРМОҚЧИ  
ЭКАНИ БЕЖИЗ ЭМАС.**

Инсонпарвар ва ижтимоий адолатли эканига баҳо беришини унумтасликлари шарт.

Кучли ижтимоий сиёсат тарафидан бўлган партияимиз фАОЛЛАРИ давлат ташкилотлари ва мансабдор шахслар фАОЛИЯТИДА ҳАШАМАТНИ ЧЕКЛАШ ВА УНИ ОДОБ-АХЛОҚ КОДЕКСИНИ БУЗИШ СИФАТИДА ИНТИЗОМИЙ ЖАВОБГАРЛИККА ТОРТИШ АМАЛИЁТИНИ ЙЎЛГА ҚЎЙИШ ФОЯСИНИ ИЛГАРИ СУРМОҚЧИ ЭКАНИ БЕЖИЗ ЭМАС.

Максад шу йўсунда бюджет маблағлари ортиқча сарфланишининг олдини олиш, ҳалқ пулини таълим, соғлини сақлаш, ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштириш каби долзарб соҳаларга қаратиш, давлат ва жамиятда ижтимоий адолат ва барқарорликни қарор топтиришдан иборат.

Давлат, ҳалқ ҳисобига ҳашаматга муккасидан кетишдан уялиш, уялмаганларни жазолашга ўтишимиз ҳар томондан тўғри бўлади.

**Фарида МАҲКАМОВА,  
“Ўзбекистон овози” мубхира.**

## ОБРЎ БЎЛМАЙ ҚОЛДИ

Ўқтин-ўқтин қайсида маҳаллий ҳокимликларнинг нархини эшитсанг, капалагинг учадиган қимматбахо автомобиллар харид киргани ёки ходимларига энг сўнгги русумдаги мобиль алоқа воситаларини тарқатгани хабар қилинади.

Ёхуд бюджетдан молиялаштириладиган яна қайсида давлат ташкилоти томонидан ҳалқаро тадбир қатнашчиларининг биргина тушлиги учун ажратилган маблаг тақсимиди нусхаси ижтимоий тармоқларда "айланни юриб", жамоатчиликнинг кескин норозилигига сабаб бўлиши ҳам бор гап. Бундай "тадбирлар"га мисоллар оз эмас.

Бир одамнинг ҳашаматга мойиллиги – унинг танлови, майли. Бирор ҳашаморликни кўз-кўзлаш давлат ташкилоти вакили, ҳалқ сунянган мансабдор шахслар учун бехад номақбул. "Пул кетса, кетсин, обрў кетмасин" дейиш бугун ўзи ни оқламайди. Чунки биргина тадбир учун сарф этилаётган миллиард-миллиард сўмлар давлат бюджетидан олинади.

## “ИЧМОҚЧИМИСИЗ, КЎЧАНИНГ У БЕТИДА БАР БОР”

Мамлакатимиз делегацияси таркибида Европанинг энг ривожланган давлатларидан бирорда бўлиб келган ҳамкашибимиз ҳикоя қилиди:

- Бу давлат ҳаётида, унда яшовчи инсонларнинг юриш-туриши-ю яшаш тарзида минимализм яққол кўринади. Барча масалада ва барча соҳада тартиб, конунийлик юксак даражада. Дарабданни заррасини ҳам кўрмайсиз... Дастурга мувофиқ ҳалқаро тадбирлар якунланади, бизни овқатланиш учун меҳмонхона ре сторанига тақлиф қилдилар. Меҳмонлар учун тузаб кўйилган швед столидаги 2-3 хил гарнир, котлет, газли-газсиз минерал сувлар турибди, холос.
- Очиғи, тарвузимиз кўлтиғимиздан тушиб кетди. "Гўшти бошқа таом хоҳласан-



КОНСТИТУЦИЯМИЗ ВА УНИНГ НЕГИЗИДАГИ  
ҚОНУНЛАРИМИЗДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНинг  
БАРЧА ФУҚАРОЛАРИ, МИЛЛАТИ, ТИЛИ ВА ДИНИДАН  
ҚАТЪИ НАЗАР ТЕНГ ҲУҶУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРГА ЭГА  
ЭКАНИ МУХРЛАБ ҚҮЙИЛГАН. УЛАРГА ЎЗ МАДАНИЯТИ,  
АНЬНА ВА УРФ-ОДАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ УЧУН  
БАРЧА ШАРОИТЛАР ЯРАТИЛГАН.

Шубҳасиз, ушбу йўналишда олиб борилётган ишлар сўнгига йиллардаги янги ва янада юксак боскичга кўтарилиди. Дунёда Халқаро дўстлик куни деб қабул килинган 30 июль санаси мамлакатимизда ҳам Халқлар дўстлиги куни сифатида кенг нишонлаши анъанага яйланди.

Бугунги кунда мамлакатимизда 130 дан ортиқ миллат ва элат ҳамда 16 та диний конфессия вакиллари тинч-тотув, ахил-иноқ, ҳамжихат бўлиб яшамодга. 157 та миллий маданий марказ ва 38 та дўстлик жамият фаолият кўрсатмоқда. Мамлакатимиздаги таълим муассасаларида ўқув-тарбия жараёнлари ўзбек, қоқаллоп, рус, тоҷик, қозоқ, кирғиз ва туркмән тилларида олиб борилмоқда, қардош тилли мактабларда ўқиётган фарзандларимиз давлат хисобидан дарслек, ва бадий адабиётлар билан таъминланмоқда. Қоқаллогоғистон Республикаси ҳамда вилоятларда ташкил этилган "Дўстлик уйлари" фаолияти ҳар тарафдан кўллаб-куватланмоқда. Ҳусусан, Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фонди томонидан ушбу мақсадлар учун зарур маблаглар йўналтирилмоқда, турли субсидия ва грантлар ажратилимоқда. Миллий маданий марказларнинг моддий-техник базасини яхшилаш мақсадида улар давлат томонидан замонавий техник ускуналар, мусиқий асбоблар, мебель жиҳозлари, миллий либослар билан таъминланди.

Дарҳақиқат, дунё миқёсидаги ҳозирги ўта мураккаб вазиятда жонажон юртимизда ҳукм суратгандан кўплаб давлатлар намуна олса, арзиди. Айниқса, Иккичинчи жаҳон уруши даврида юртимизни манзил туғтан көрейт, немис, турк, поляк, грек, крим-татар, чечен сингари турли миллат вакиллари ва уларнинг авлодлари ўзбек халқига миннатдорлик билдириб, Ватан равнани ўйлида бир ёқадан бош чиқарб, тинч-тотув яшаб келмоқдалар.

Айтиш ўринлики, Маданият вазирлиги ҳузурида 2017 йилда ташкил этилган Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари кўмитаси томонидан жамиятда бағрикенглик томойили устуворлигини таъминлаш, ўзаро меҳр-оқибат, тутувлик ва бирдамлик мухитини мустахкамлаш, турли миллий маданий марказлар ва дўстлик жамиятлари фаолиятини мувофиқлаштириш борасида катта таъкибида түрланиди. Бу йўналишда ўзига хос модель яратилди, деса ҳам бўлади.

Юкорида келтирилган миллий маданий марказлар она диёризмизда истикомат қилаётган бошқа миллатлар қадрияларини кадрлаш, урф-одатлар бардавомлигини сақлаш баробарида ёшларимизни ўзга элатлар маданиятини хурмат қилиш руҳида тарбиялашга муночиб хисса кўшмоқдалар. Уларнинг тенг шароитда ва самарали фаолият

